

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАННОНОВ ЖАҲОНГИР АДАШБОЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Маннонов Жаҳонгир Адашбоевич

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими
ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш
технологиялари..... 3

Маннонов Жаҳонгир Адашбоевич

Технологии развития методической компетентности будущих
учителей профессионального образования на основе инновационного
подхода 23

Mannonov Jahongir Adashboyevich

Technologies for the development of methodological competence of future
teachers of vocational education on the basis of an innovative
approach..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАННОНОВ ЖАҲОНГИР АДАШБОЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020/1.PhD/Ped738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика унверситетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва "Ziyouet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Кўйсинов Одил Алмуротович педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Хамидов Жалил Абдурасулович педагогика фанлари доктори, доцент Исмаилова Зухра Карабасвна педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро муҳандислик-технология институти


Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "29" 09 соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).


Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2020 йил "16" 09 кунни тарқатилди.
(2020 йил "16" 09 даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Ш.Э.Курбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор


К.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимидаги ислоҳотлар ва таълим бозорида рақобат муҳитини шаклланиши мутахассислар тайёрлаш тизимини компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва таълим стандартларида белгиланган компетенциявий талабларни узлуксиз такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда, АҚШ, Англия, Германия, Россия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида педагог кадрларнинг методик компетенцияларни шакллантириш ва битирувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, Иллинойс университетининг (АҚШ) “IEARN” ва “KIDLINK” минтақавий таълим дастурлари кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибага кўра педагогларнинг методик компетентлиги, жумладан, таълим жараёнини амалга оширишнинг энг мақбул методларини (multi-level interactive education), самарали моделларини ишлаб чиқиш, инновацион таълим муҳитини ташкил этиш ва амалга оширишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эҳтиёж туғилмоқда. Мазкур жиҳат бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришни тақозо этади. Таълим жараёнини ташкил этишда таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, методик компетентликни шакллантириш усулларини, илмий асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек, педагогларнинг методик компетентлигини шакллантиришнинг замонавий методик тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг педагогик шароитларини белгилаш, ўқув материалларини мазмунан такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, инновацион ёндашув асосида ривожлантириш технологияларини жорий этиш, касбийфанларни ўқитиш методикаси ва дидактик воситаларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва касбий таълимнинг халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш мақсадида изчил ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишларида “таълим тизимида инновацияларни ишлаб чиқишни таъминлаш¹” назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш²” каби устувор вазифалар белгиланган. Юқори

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // ҚҲММБ: 06/17/5264/0339-сон 01.12.2017 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

малакали кадрларни тайёрлашда таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш амалиётига жорий қилиш учун таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнининг умумий тамойиллари ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашнинг самарали метод ва воситалари А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизхўжаева, Ф.Р.Юзликаев, В.Н.Беспалько, шахс фаолиятининг мотивацион муҳитини яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг назарий масалалари Р.З.Гайнутдинов, П.А.Рудик, М.Г.Давлетшин, Ш.Э.Курбанов, С.Л.Рубинштейн ва Н.Ф.Тализиналарнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари А.И.Воробьев, Б.А.Назарова, П.Т.Магзумов, Т.А.Маленко, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабаев, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўракуловларнинг тадқиқотларида ишланган бўлса, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва методик асослари Р.Ҳ.Жўраев, У.И.Иноятов, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, З.Қ.Исмоилова, Д.О.Химматалиев, М.Б.Уразова, О.А.Қўйсинаов, А.А.Алимов ва бошқа педагог олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар олимлари Г.Спенсер, В.Blum, R.Mohan, H.Miyakawa, Y.Xuqin каби олимлар таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-

методик етуклик муаммолари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш назарияси бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлаш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш психологик-педагогик ва дидактик имкониятлари, методикаси, илмий асослари тўлиқ очиб берилмаган, уларни такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш муаммосини тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган ИТД-1-148 «Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш ҳолати, мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ҳамда касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмунини аниқлаш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришда анъанавий ва инновацион ёндашувларни қиёсий таққослаш асосида машғулотларни ташкил этиш ҳамда “Таълим резонанси” ёндашуви асосида педагогик жараён механизмлари ва технологияларини такомиллаштириш;

инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологиялардан фойдаланиб таълимнинг замонавий усулларини қўллаш механизмларини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти республикаолий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ёндашув асосида бўлажак касб

таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги назарий ва эмпирик тадқиқот методлари комплексидан фойдаланилди: педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлиги таркибий тузилмаси таълим олувчининг ўқув фаолияти жараёнидаги (“ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “конструктор-яратувчи”, “фасилитатор”, “инноватор”) ҳамда педагогнинг таълим-тарбиявий фаолият жараёнидаги (ўқув жараёнини лойиҳалаш, таълим натижаларини квалиметрик таҳлил эта олиш, баҳолаш) функцияларининг ўзаро боғлиқлигига асосланиб оптималлаштирилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш технологияси “Таълим резонанси” инновацион ёндашувига асосланган “Brainstorming”, “Describe”, “Upgrade”, “SWOT-таҳлил жадвали” ва “Kaizen принципи” методларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

таълим резонанси босқичларини(тайёрлов босқичи, асосий босқич, критик нукта, хулосалаш, компетентлик) белгилаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли моделини амалиётга жорий этиш алгоритми аниқланган;

бўлажак касб таълими ўқитувчилари методик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминот мазмуни таълим олувчининг интеллектуал имкониятларини ҳисобга олувчи ҳамда репродуктив, продуктив, қисман изланишли ва креативлик даражаларини аниқловчи ижодкорлик характеридаги топшириқлар, ностандарт муаммоли топшириқлар ва мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида инновацион ёндашув асосида методик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув қўлланма ва электрон дастурий маҳсулотлар таъминоти яратилган, жумладан, “Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва бошқариш электрон тизими” номли электрон дарслик (Давлат патент идораси гувоҳномалари - 1 та);

касб таълими бакалавр таълим йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий фанлар “Касб таълими методикаси” фанидан лаборатория ишларини бажариш учун методик қўлланма, “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил ишлар ва амалий машғулотларни ташкил этиш ҳамда курс

ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма ва “Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш” бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришда анъанавий ва инновацион ёндашувларни қиёсий таққослаш асосида машғулотларни ташкил этиш ҳамда “Таълим резонанси” жараёни механизмлари ва технологиялари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион ёндашув асосида методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли модели, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришда анъанавий ва инновацион ёндашувларнинг қиёсий таҳлили ҳамда уларни жорий этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, баҳолаш технологияси, динамикаси, мезонлари такомиллаштирилганлиги, тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий ёндашувларнинг илгари сурилгани, олий таълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режа, дастурларни такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашув асосида таълимни ташкил этиш шакли, методи ва воситалари, курс иши ва битирув малакавий ишни бажариш жараёнида талабаларда методик компетентликни ривожлантиришга қаратилган муаммоли вазиятли топшириқлар тизими, инновацион таълим технологиялари ҳамда талабалар малакавий педагогик амалиётда методик компетентлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Талабаларнинг педагогик ва методик билимларини чуқурлаштириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлашда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва методик компетентлигини ривожлантириш технологиясининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини методик компетентлигини ривожлантириш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлиги таркибий тузилмасини оптималлаштиришга оид таклиф ва тавсиялар тажриба-синов майдонларидаги 5111000–Касб таълими (5310600-Ерусти транспорт

тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобиль транспорти)) бакалаврият йўналишлари малака талаблари ҳамда “Касб таълими методикаси” фани мазмунини такомиллаштиришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-804-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар талабаларнинг методик компетентлигини ривожлантиришга ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ИТД-1-148 «Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишга хизмат қилган;

касбий таълим жараёнида назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда “Таълим резонанси” инновацион ёндашувига асосланган методларини қўллаш ва бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли моделини амалиётга жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар “Касб таълими методикаси” ўқув предмети дидактик таъминоти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-804-сон маълумотномаси). Мазкур таъминот бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик касбий салоҳияти ва компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини методик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминот мазмунини ижодкорлик характеридаги топшириқлар, ностандарт муаммоли топшириқлар ва мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар 5111000–Касб таълими (5310600–Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобиль транспорти)) бакалаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг методик таъминотини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-804-сон маълумотномаси). Мазкур илмий ишланмалар касб таълими йўналишлари талабаларининг мустақил таълимини ҳамда методик тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 тадан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 3 та ўқув-услубий мажмуа, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини методик компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмунини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш асослари, компетенция, компетентлик, компетентли ёндашувнинг педагогик моҳияти таҳлили, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ёритилган.

Таълим тизимидаги замонавий ўзгаришлар, ўқитувчининг методик компетентлиги ва касбий қобилиятини изчил ва мунтазам ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятнинг субъекти ўқитувчи ва унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юқсак аҳамиятга молик бўлади.


Педагогикада компетентлик деганда ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик ҳамда инновацион ёндашув асосида уларни амалий фаолиятида қўллаш олиш қобилияти тушинилади.

Методик компетентлик – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, баҳолаш, илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмаларидир.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида методик компетентликни шакллантиришда инновацион ёндашувларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги каби мотивлар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради. Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини таркиб топтиришдир. Таълим жараёнига ёндашув асосан билим, кўникма ва малакалар мажмуасини шакллантиришга қаратилади.

Таълим методлари аввало педагог онгида қайсидир бир йўналишдаги фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида намоён бўлади.

1-расмда таълимга анъанавий ва инновацион ёндашувларнинг қиёсий таҳлили акс этган.



1-расм. Таълимга анъанавий ва инновацион ёндашувларнинг қиёсий таҳлили

Бунинг учун методларни қўллаш объектлари ва технологик жараёнларни ўрганишда энг биринчи, ўрганилаётган объектнинг самарали фаолият юритиши ва ривожланишини белгилаб берувчи энг характерли аспекти аниқланади ва таҳлил қилинади.

Бизнинг тадқиқот объектимида бўлажак ўқитувчиларнинг “Таълим резонанси” инновацион ёндашуви асосида методик компетентликни ривожлантириш учун таълим методларининг энг характерли аспекти аниқлаш назарда тутилди. Таълим резонанси инновацион ёндашув бўлиб, бўлажак ўқитувчининг методик компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнининг интенсивлиги ва эффективлигига эришишдир.

Ушбу ёндашув таълим жараёнида янгича инновацион ёндашув бўлиб, унинг самарасини бир нечта методлар комплексини мос равишда қўллаш орқали таъминланади. Яъни 5111000-Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) бакалавр таълим йўналишларининг “Касб таълими методика”си фанидан лаборатория машғулотларини олиб боришда қўлланилди ва самарадорлиги аниқланди. “Таълим резонанси” педагогнинг мустақил ижодий фаолиятини амалга оширишига таъсир кўрсатиб, таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Германиянинг Йена Унверситети социолог профессори Роза Хормут ижтимоий ходисаларни тушунтириш учун резонанс атамасидан фойдаланади. Унинг 2016 йилда нашр этилган “Резонанс назарияси” дунё муносабатлари социологиясини шакллантирди³.

Резонанс атамаси физикадан олинган бўлиб, субъект ва объект муносабатлари тебранувчи тизим сифатида тасвирланади, унда иккала томон бир-бирини ўзаро акс-таъсирлантиради (уйғотади).


Жаҳонда турли хил резонанс турлари мавжуд бўлиб (франц. *resonance*, лотин. *resona*- акс садо, жавоб бераман) деган маънони англатади. Таълим жараёнида резонансни ташкил этиш учун, ўқитувчи-педагог ташаббускор ва ташкилотчи бўлиши керак. Педагогик ҳаракатларнинг моҳияти – ҳар бир талабани барқарор ҳолатга ўтказишни, ўз-ўзини фаоллаштиришни, ривожлантиришни ва актив ақлий фаолиятни талаб қиладиган “кучайтирувчи ва юксалтирувчи режим” деб номланган вазиятга айланиши керак.

Таълим вазифалари интенсив ва эффектив бўлиши учун педагог-ўқитувчи таълимнинг мазмун-моҳиятини тушуниши ва билиши керак. Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларини самарали ташкил этишнинг метод ва воситалари билан бир қаторда педагогда ҳақгўйлик, ўз туйғулари ва ўзини билишга интилиши ҳамда инновацион ғоялар ва уни амалга ошириш учун қобилият зарур. “Таълим резонанси” – бу замонавий таълимда ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг табиий педагогик механизми бўлиб, менинг тадқиқот ишимда диалектик матниққа, инсон омилига, ўқув фаолияти субъектларининг ишончли ҳаракатларига, яъни талаба-ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлигига асосланган таълим резонанси ташкил этилди.

³Fridrix Shiller nomidagi Yena universiteti — Germaniyadagi yirik universitetlardan biri. 1558 yil Yenedagi akademik gimnaziya negizida tashkil qilingan.[https://ru.qwe.wiki/wiki/Resonance_\(sociology\)](https://ru.qwe.wiki/wiki/Resonance_(sociology)).

Педагогик инновациялар дидактик имкониятларига кўра ўқув жараёнига янгиликлар киритиш ва уни изчил ривожлантириш имконини берди. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёни сифатини кафолатлайди.

Олий таълим муассасаларининг Касб таълими (Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) йўналишида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетентлигини инновацион ёндашув асосида ривожлантиришда аниқ мақсадга йўналтирилган механизм ишга тушади. Шу нуқтаи назардан мақсадга эришиш жараёнида қандай қайси механизм асосида мавжуд таркибий компонентлар қандай функциялар асосида иш бажариши илмий асосланади. Буни ўрганилаётган объектнинг характерли аспекти назарда тутган ҳолда таълим методларини қуйидаги функциялар бўйича танланади (2-расм).



2-расм. Танланган таълим методлари функциялари

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш тизими”** деб номланган бўлиб, унда касб таълими жараёнида талабаларнинг методик компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, инновацион ёндашув асосида талабаларнинг

методик компетентлигини ривожлантириш модели ҳамда, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион ёндашувли интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда методик компетентлигини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилган.

Таълимнинг анъанавий модели ҳаддан ортиқ турғун, монологик характерга эга бўлиб, ахборотларни сақлашнинг ёпиқ тизимлари, таълим олувчиларнинг миясига “қуйиб қўйиладиган” нисбатан автоном фанга оид чекли билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Ҳозирда ноанъанавий педагогик тизимлар шаклида таълим жараёни ташкил этилмоқда. Педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда бўлиб, барчаси таълим-тарбия мақсадларига эришишга йўналтирилади. Мазкур тадқиқот ишига тизимли ёндашувни методологик асос қилиб олинди ва унга таянган ҳолда педагогик кадрлар тайёрлаш тизимида таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини аниқланди.


Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш ҳам мураккаб педагогик тизимдир. Давлат таълим стандартлари замонавий педагогга қўйиладиган малака талаблари комплексини белгилаб беради. Қуйидагилар бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини таъминлаб берувчи асосий талаблар ҳисобланади: ўқитувчининг таълим олувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш маҳорати; ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар; таълим олувчиларнинг билимини назорат қилиш ва холисона баҳолаш маҳорати.

Ўқитиш маҳорати қуйидаги талаблар билан белгиланади: касбий лаёқат ва эрудиция; психологик-педагогик тайёргарлик; таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати; ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш; янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар; педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шаклларини билиш; илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш; педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш; предметларро алоқалардан фойдаланиш маҳорати; риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш.

Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ҳамда амалий педагогик тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион ёндашув асосида методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Фаолиятли модел – таълим муаммосининг қисмларга ажратилиб, кичик объектларда ўрганилиши, жараёнларни ташкил этилиши, амалга оширилиши ва назорат қилиниши натижасида умумий мақсадга, яъни таълим натижаларига босқичма-босқич фаолият кўрсатиш орқали эришиш имкониятини ифодалайди.

Моделда кутилаётган натижага эришиш йўлларининг узвийлиги акс эттирилган бўлиб, таълим жараёнининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади.



3-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг инновацион ёндашув асосида методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли модели

Касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлиги давлат таълим стандартлари ва ижтимоий буюртмачи талаблари асосида ривожлантирилади ва унинг натижаси баҳоланади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиси назарий, амалий ва мустақил таълим жараёнида билим, кўникма ва малакалар фаолият тажрибасини ўзлаштириши натижасида методик компетентлигини ривожлантиради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли моделида иккита кўрсаткич бўйича, яъни методологик ҳамда педагогик, умумкасбий фанлар ва мустақил таълим орқали тавсифланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг методик компетентлиги педагогик жараёнда вазифалар (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи), мазмун (меъёрий хужжатлар, илмий адабиётлар ва қўшимча материаллар), шакл (жамоавий, гуруҳли ҳамда якка), метод (анъанавий, ноанъанавий ва инновацион технологиялар) ва восита (реал, табиий ва босма)лар орқали ривожланиб боради.

Методик компетентлик ўз ўрнида таълим бериш, тарбиялай олиш, таълимнинг замонавий усуллари кўллаш, инсон омилини таъминлаш фазилати, таълим олувчилар билимини ҳолисона баҳолаш ва назорат қила олиш компетентликлари орқали ифодаланади.


Малакавий педагогик амалиёт бўйича методик компетентлик педагогик амалиёт олди ва амалиёт ўтгандан кейин назоратлар, видео топшириқлар воситасида шакллантирилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион ёндашув асосида методик компетентликни ривожлантириш методикасини жорий этиш натижасида шакллантирилган компетенцияларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш ва келгуси фаолиятни белгилаш жараёнида баҳолаш мезонлари ва натижалари мониторинги сифатида ифодаланди. Фаолиятли моделни жорий этиш натижасида методик компетентлиги ривожланган, таълим жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил эта оладиган бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш назарда тутилди.

Таълимни бундай шаклда ташкил этиш ҳар бир бўлажак касб таълими ўқитувчисига имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдиришни тақозо этди. Инновацион ёндашув асосида ташкил этилган таълим ўқитиш жараёнининг иштирокчилари, педагог-талаба, талаба-талаба, талаба-талабалар гуруҳи, талаба-талабалар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, касб таълими ўқитувчиси сифатида камол топтиришлари учун қулай педагогик шарт-шароитни яратиш заруриятини ифодалайди.

5111000-Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) бакалаврият таълим йўналишларининг “Касб таълими методикаси” фанидан лаборатория машғулотларини ташкил этишда “Таълим резонанси” инновацион ёндашуви бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнининг интенсивлиги ва эффективлигини оширади (4-расм).

Таълим резонансини ташкил этиш тўрт босқични ўз ичига олиб: “Тайёргарлик босқичи”да назарий тушунча, амалий кўрсатиш ва мустақил тушуниш функциялари амалга оширилади. Бунда педагогик-методик тушунчалар англанади, жараёнда қўллаш мумкин бўлган метод ва воситалар бўйича тасаввур шаклланади. “Асосий босқич” назарий билим, амалий бажариш ва мустақил бажаришдан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи эътиборни воқеиликка қаратади. Ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабабларини, манбааларини, ҳаракат механизмларини моҳиятини аниқлайди. Талабаларга ёрдамчи воситалардан фойдаланиб амалда бажариш орқали билимларини ошириш йўллари ўргатилади. Талабалар йўриқномага асосан ўқитувчи назоратида мустақил амалда бажаради. Критик нуқтада олинган билим, кўникма ва малакалар хусусий тўлқинлар сифатида бирлашади ва умумий тўлқин сифатида методик компетентликка айланади. “Хулосалаш босқичи”да интеграциялашган хулоса амалга оширилади. Ўқитувчи ва талабалар ҳамкорликда олинган натижаларни таҳлил қилади, таққослайди ва хулосалайди. “Компетентлик босқичи”да талабалар ўз устида ишлайди. Талабалар ўтилган мавзуни мустақамлаши, қизиқиши ва ижодкорлигига қараб мавзудан ташқари ишларни бажариши учун шароит яратиб берилади.



4-расм. Методик компетентликни ривожлантиришнинг инновацион ёндашуви

Жорий этилаётган инновацион ёндашувни мақсади ўрганилаётган жараённинг самарали бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи характерли аспекти аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлиб, бунда назарий, амалий ва мустақил таълимни узвийлигини таъминлаган ҳолда босқичларни бир нуқтада кесишиши натижасида таълим олувчининг тушуниши ва амалда қўллаши - жараённи интенсив ва эффектив бўлишини таъминлади. Ўқув фаолиятини 60

дақиқасига келиб жараёнларни бир нуктада кесишуви билим, кўникма ва малакаларни аниқловчи критик нуктани ҳосил қилди, бу критик нукта талабанинг ўқув жараёнидаги йўналиши ва фаолият даражасини аниқлаб, методик компетентликка эришганини кўрсатади. Методик компетентлик даражаларини аниқловчи баҳолаш мезони ишлаб чиқилган.

Таълим резонансида самарадорликка эришиш учун иложи борича талабалар амалий фаолиятга жалб қилинди. Дарс жараёнида мавзу хусусиятидан келиб чиқиб интерфаол методларни тўғри танлаш, вақтни тўғри тақсимлаш асосида юқори самарадорликка эришилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2016-2019 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига, Жиззах политехника институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтида уч босқичда олиб борилди.

